

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2005 ЙИЛ 5 НОЯБРЬ, ШАНБА • СОНУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 45 (541) • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Фракция йиғилишида

Семинар

ХИЗМАТ ТУРИНИНГ ТАКОМИЛИ

хусусий тадбиркорликни ривожлантиради

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистонда микрокредит ва унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан ўтказилган ушбу давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Вазирлар Маҳкамаси, Ағлия вазирлиги, Марказий банк, давлат ношжорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

ри асосида амалга оширилаётгандаги таъкидлаб ўтди. Йиғилишда, шунингдек, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган молиявий ёрдамлар туфайли мазкур

турларини қўпайтириш мақсада мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

— Хусусий тадбиркорлик ривожини молиявий қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Бу микрокредитлаш тизимини янада кенгайтиришни талаб этади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Шарбат Абдуллаева. — «Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг кенг қатламига хизмат кўрсатишга иқтисослашган микрокредит ташкилотларини тузиш ва улар фаолиятини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу қонун микрокредитлаш билан боғлиқ фаолиятини тартибга солувчи ягона ҳуқуқий базанинг шаклланишига олиб келади. Асосийси, микрокредит ташкилотларининг ташкил қилиниши аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратишга асос бўлади.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан яна бир қатор таклиф-мулоҳазалар билдирилди, тегишли қўмитага тавсиялар берилди. Партия фракцияси аъзолари мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда ҳам бир овоздан маъқуллаш ҳақида келишиб олдилар.

Ўз мухбиримиз

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтига «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳудудий кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг маънавий-маърифий фаолиятини такомиллаштириш масалалари» мавзусига шимий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда партия Сийёсий Кенгаши аъзолари, Қонунчилик палатасидagi фракция аъзолари, ҳудудий кенгашлар котиблари, партиядан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети олимлари қатнашди.

ДЎСТОНА МУЛОҚОТ

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТГА
УНДАЙДИ

Партия етакчилари ва депутатларининг сиёсий ҳуқуқий билимларини янада бойитиш, фуқаролар ўртасида ташкилий-партиявий, сиёсий-роғбий ишларни олиб боришнинг замонавий шакл ва услублари билан таништириш мақсадида ташкил этилган тадбирда турли долзарб мавзулардаги матрузалар тингланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси доценти Муқимжон Қирғизбоевнинг «Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва фуқаролар сиёсий фаолигини оширишдаги ўрни» мавзусидаги матрузаси йиғилишларда катта қизиқиш уйғотди.

Жумладан, Наманган вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Комилжон Абдуллаев матрузачининг фикрларини қўллаб-қувватлар экан, матруза ки-

тобча ҳолида чоп этилиб, жойларга тарқатилса, тарихот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш мумкинлиги ҳақида сўзлади.

— Кейинги йилларда мавжуд сиёсий партияларнинг роли сезиларли даражада ошганини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу эса, албатта, умумхалқ манфаатига хизмат қилади, — деди нотиқ ўз матрузасида. — Сиёсий партиялар турли ижтимоий табақа, гуруҳларнинг хоҳиш-иродасини ифодалайди ва демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этади.

Кун тартибидан ўрин олган масала — «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида депутатлик гуруҳлари фаолиятининг қонуний асослари» мавзусида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти эксперти Комилжон Одилов матруза қилди.

(Давоми 2-бетда)

Анжуман

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРИ

Фарғонада «Фарғона водийси экологик хавфсизлигининг минтақавий муаммолари» мавзусига халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Гидрометеорология бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, БМТ ТДнинг мутахассислари, шунингдек, Россия Федерацияси, Словакия, Озарбойжон, Италия, Эрон давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналарининг бир гуруҳ ходимлари иштирок этди.

Анжуманда минтақадаги экологик хавфсизлик муаммолари, жумладан, ерларнинг эрозион ҳолати келиб қоллиши, ҳаво атмосфера қатламнинг ифлосланиши, сув ресурсларини яхшилаш ва зарари чикиндиларини зарарсизлаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, кун тартибидан чикиндиларини қўйиб ташлаш, биологик хилма-хилликни таъминлаш,

ўрмонларни асраш, яйловлардан оқилона фойдаланиш масалалари ҳам ўрин олди. Муҳокамаларда аҳоли зич жойлашган Фарғона водийсида тоғ кўчкиси, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар нисбатан кўпроқ содир бўлиб турадиган минтақалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Анжуманда мазкур минтақада экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳит

муҳофазасини такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганини ҳамда мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни биргаликда ишлаб чиқилган тадбирлар асосида ҳаётга тадбиқ этиш заруралиги эътироф этилди. Тадбир якунида Фарғона водийсининг давлат ва подавадат ташкилотлари учун тавсиялар қабул қилинди.

«Туркистон-пресс»

«АДОЛАТ»ГА

ОБУНА БЎЛАДИМИ?

Обуна — 2006

Адолат мезони, адолат тамойили сизга доимо ҳамроҳ бўлишини истасангиз «Адолат» газетасига обуна бўлинг.

Наширимиз келгуси йилда ҳам Сиз, азиз газетхонларнинг адолатли фикр-мулоҳазаларингизни ўз саҳифаларида чоп этишга бел боғлаган. Айни пайтда барча алоқа ва почта бўлимларида 2006 йил учун «Адолат» газетасига обуна давом этмоқда.

Азиз муштарий! Ижтимоий ҳаётдаги долзарб мавзуда ёзилган мақолаларни ўқий десангиз — «Адолат»га обуна бўлинг! Дарвоқе, кейинги йилдан газетамиз ҳар ҳафтада икки мартаба чоп этилади.

Нашр кўрсаткичи — 100

Ушбу сонда:

КЎЗА...
КУНИДА
СИНАДИ

сохта тадбиркорнинг
қўлбола ароғи

БИР КУНЛИК
ДАБДАБА
ДЕБ...

акс-садо

СОЛИҚ
КОНУНЧИЛИГИ

янги таҳрир
бўйича айрим
фикрлар

ЭНГ ЙИРИК
ЖИНОЯТ

50 йил ичидаги

АРМОН

ёхуд қатагондан
қолган дард

АЙИКДАН ТЕЗ
ЮРИШ ШАРТ
ЭМАС

латифа

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Мусулмонлар байрами — муборак Рамазон оийи тугаши ва Рўза ҳайити муносабати билан шахсан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловлар йўллашдан хурсандман.

Исломнинг инсонпарварлик қадриятлари бутун башариятнинг маънавий меросига мансубдир. Ислом цивилизациясининг умумжаҳон маданий ҳазинасига қўшган ҳиссаси бебаҳо.

Евроосиё давлати бўлиши Россия кўп асрлар мобайнида ислом олами билан анъанавий мустаҳкам ришталар ила чамбарчас боғланган. Бизнинг мамлакатимизда тарихан ислом динига эътиқод қилувчи миллионлаб фуқаролар истиқомат қилади. Улар кўп миллатли Россия халқининг ажралмас қисмидир.

Россия Ислом конференцияси ташкилотиде кузатувчи мақомини олгандан кейин ислом ҳамжамияти билан кўп қиррали мулоқотни кенгайтириш имкониятларига эга бўлмоқда. Ишончим комилки, бундай ҳамжиҳатлик қўғина глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга, амалий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамакатларимиз дунёвий бўлишига қарамай, бу эркин байрам кўп миллатли Россияни дўст Ўзбекистон билан янада маҳкамроқ яқинлаштиради ва асрлар мобайнида муштарак тарихий тақдир синовидан ўтган ҳамдўстлигимизни жипслаштиради.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва раванқ тилайман.

Эҳтиром ила,

Владимир Путин,
Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сизни Иордания халқи, ҳукумати ва ўз номидан самимий муборакбод этаман. Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига бардавом раванқ ва фаровонлик тилаб қоламан.

Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Хусайн,
Иордания Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига Афронистон халқи ва ўз номидан Рамазон ҳайити муносабати билан энг яхши тилакларни йўллашдан бағоят бахтиёрман.

Ушбу улуғ кунларда Яратгандан барча мусулмонларга тинчлик, фаровонлик ва бахт-саодат ато этишини сўраб қоламан.

Сиз, Жаноби Олийларига сўхат-саломатлик, муваффақият ҳамда биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Ҳомед Карзай,
Афронистон Ислом
Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Халқларимиз муборак Ийд ал-Фитр байрамини нишонлаётган ушбу айёмда Сизга дўстона табрик ва самимий тилакларимни йўллашдан беихоҳ мамнунман.

Сизга ва биродар халқингизга ушбу байрамни осойишталик, хайру баракот ва мўлқўчиликда кутиб олиншингизни тилайман.

Яратгандан Сизга сўхат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда биродар Ўзбекистон халқига фаровон ҳаёт, мамлакатингизнинг янада гуллаб-яшнашини сўрайман.

Маҳмуд Аббос,
Фаластин Миллий маъмурияти раиси,
Фаластин озодлик ташкилати
Ижроия қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қутлуғ диний байрам — муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни изҳор этишдан мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ таолодан Сизга сўхат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига фаровонлик, ислом умматига тинчлик ва тараққиёт ато этишини сўраб қоламан.

Ҳайитингиз муборак бўлсин!

Али Абдуллоҳ Солиқ,
Яман Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Ислом Абдуғаниевич, Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз ва Сиз орқали биродар Ўзбекистон халқига бағоят мамнунлиқ ила самимий табрикларимни йўллайман.

Қодир Аллоҳдан Сизга куч-қувват, узок умр, юртингизнинг биродар халқига ҳамда ислом умматига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт ато этишини сўрайман.

Чуқур эҳтиром ила,

Сапармурот Ниёзов,
Туркменистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Ислом Абдуғаниевич, Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Озарбойжон халқи ва шахсан ўз номидан самимий табриклайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман. Камол эҳтиром ила,

Илҳом Алиев,
Озарбойжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари, Рамазон ҳайити муносабати билан Сизни ва барча юртдошларимизни муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ушбу улуғ айёмда Аллоҳ Ҳақ субҳонаху ва таолодан Сизнинг раҳбарлигингиз остида тинчлик, хотиржамликда фаровон ҳаёт кечириётган гўзал Ватанимизни ёмон кўзлардан, турли хил офат, балою қуфатлардан ўз паноҳида асрашини сўраб қоламиз.

Аллоҳнинг улуғ неъматини тинчликдир. Бизнинг нотинч замонамизда ушбу буюк неъматни эъзозлаш ва асраш ўта муҳимдир.

Мамлакат осойишталиги, эл-юрт фаровонлиги йўлида яна узок йиллар сарбон бўлиб юртингизни Аллоҳдан илтижо қиламиз.

Сиз мухтарамга, Президент Жаноби Олийлари, барча эзу ниятларингиз ва хайрли амалларингизда Яратган парвардигорнинг Ўзи мададкор бўлишни тилаб қоламиз.

Эҳтиром ила,

Саудия Арабистонлик Ўзбек ватандошлари номидан Сафхон ибн Жалолхон тўра Марғилоний, Тўрахон Аъзамхон ибн Жалолхон Марғилоний, Мелибек Исҳоқбек Иброҳим Ташкандий, Мўминжон Олимжон ибн Исмом Андижоний, Хуришбек Олимбек Ташкандий, Абдуллажон Исмомжон Аҳмад Туркистоний, Абдурахмонхўжа Туркистоний ва бошқалар

Шунингдек, Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Араб Давлатлари Лигаси Бош котиби Амр Мусо, БМТнинг озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори Жаҳ Динур, Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазир Холда Зиб Раҳмон, Кувейт Давлати Валиаҳди Шайх Саад ал-Абдуллоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ, Бошқирдистан Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов, Ингушетия Президенти Мурат Зязинов ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.

ЎЗ ИШИНING УСТАЛАРИ

Дарҳақиқат, кундалик турмушимизда доимо телефонга этибж сезамиз. Бироқ баъзан телефон алоқасини муваффақиятли амалга ошириш учун қанчадан-қанча мутахассислар меҳнат қилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Дарвоқе, Тошкент шаҳар телефон тармоғининг Миробод бўлимида миқозларга қўйилгангидек хизмат кўрсатиш мақсадида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Бўлим 1992 йилдан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда мураккаб қуриламан алоқа тармоғига эга бўлим пойтахтининг Миробод, Яккасарой, Сирғали ва Чилонзор туманлари аҳолиси ҳамда корхона ва ташкилотларга телефон алоқа хизматини кўрсатиб келаётди.

Ғ.ХИДИРОВ,
«Адолат» мухбири



Ўн саккизинчи асрнинг буюк кашфиётчиси Белл вақтлар ўтиб ўзи ихтиро қилган телефоннинг ўта омаллашиб кетишини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Зеро, узокни ақл қилувчи бу кашфиётнинг сийсиз кўриниши — ушбу алоқа воситасининг яратилиши ва бугунги кунга келиб кенг омаллашуви телефонга бўлган улкан таълими кўрсатиб турибди.

Дўстона мулоқот

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТГА УНДАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)
Нотик депутатлик гуруҳлари фаолиятини тартибга солувчи қонунари тахли қилиш билан бирга, маҳаллий кенгаш аъзолари фаолиятидаги камчиликлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, жойлардаги партия кенгашлари халқ ичига кириш, партиянинг гоя-мақсадларини кенг тарғиб қилиш каби ўта муҳим вазифаларни фақат сайловдаги жараёнда амалга ошириш билан чекланиб қолаётди. Ваҳоланки, бу изчи ва узлуксиз равишда олиб борилаётган бўлса, бундан ташқари, маҳаллий кенгашларга сай-

Нурмат Эшметов жумладан шундай деди:
— Ўтган йили сайлов арафасида янги иш бошлаганимиз учун бироз тажрибасизликка йўл қўйдик. Шундан бўлса керак, буғунги кунда вилот кенгашидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бирорта вакилимиз фаолият кўрсатмапти. Бу масала сайловдан сўнг батафсил ўрганиб чиқилди ва тегишли ҳудудларга чиқарилади. Айни пайтда ҳар ишда адолатли, ҳаққўй, эл-юрт учун ёниб яшайдиган инсонларни партиянинг сафига қўлламоқдамиз. Жойлардаги бошланғич ташкилотлар ҳам ўз аъзолари сонини



қанда шахрида транспорт қатнови масаласида қатор қийинчиликлар пайдо бўлган эди. Вилот партия кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибековнинг сазй-ҳаракати билан бу муаммо тезда бартараф этилди. Умуман, фуқаролардан келаётган ариза ва шикоятлар ўз вақтида ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриляпти.

Семинарда республика Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаеванинг «Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари» тўғрисидаги маърузаси йиғилганларнинг диққат-эътиборини тортди. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асосларини аниқ ва ўқиниб ифодадаб, нотик ўтган йилги сайлов натижаларига тўхтади.

— Афсуски, сайлов жараёнида партия бўғинларида фаоллик етишмади, — деди Сайёра Хўжаева. — Ваҳоланки, партия вакиллари орасида интеллектуал салоҳиятга эга, тажрибали аъзолар кўпчилиги ташкил етди.

Нотик сайлов жараёнидаги кўрсаткичларни тахлил этар экан, бундан буюн фаолликни ошириш, партияда ёш, билимдон ва малакали кадрлар иштирокини таъминлаш лозимлиги тўғрисида ўзининг бир қатор тақлифларини билдириб ўтди.

Баҳс-мунозараларда жуда кўп саволларга жавоб олинди, амалий иш тақлифлари муҳокама этилди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Баҳодир Исмоиловнинг «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, сиёсий партиялар ва ҳудудий бўлинулларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муносабатлари» мавзусидаги маърузаси йиғилганлар томонидан алоҳида қизиқиш билан тингланди. Шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров ва Кенгаш аъзоси Қодир Жўраев ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Файзулла Мўминовларнинг қишқичлари ҳам роят таассуротли бўлди.

— Баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган илмий-амалий семинар партиянинг ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари, айнисқа, маҳаллий кенгашлар депутатлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аъзоларимиз келгуси фаолиятлари учун устувор йўналишларни белгилаб олишди, амалий дастур ва назарий билимларга эга бўлишди, — деди партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Дилором Тошмухамедова семинар якунида.

Шунингдек, партия фаоллари бундай илмий-амалий анжуманларни барча вилотларда ўтказишга келишиб олинди.

Музаффар АБДУШУКУРОВ, «Адолат» мухбири Носир ХАЙДАРОВ олган суратлар

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгашида партиянинг биринчи котиби Дилором Тошмухамедова ва Фридрих Эберт жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари, жаноб Райнхард Крүмм ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув жараёнида бўлиб ўтган суҳбатда жаноб Райнхард Крүмм жамғарманинг мақсад ва вазифалари, буғунги кунда Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда олиб бораётган фаолияти ҳақида атофлича тўхтади. Шу билан бирга, у юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасини эътироф этган ҳолда демократик тамойиллар амалда қўлланилаётганини айтиб ўтди. Партия етакчиси «Адолат» СДП фаолияти тўғрисида сўзлаб бераркан, келажакда ҳамкорликда иш юритиш, тажриба алмашиш мақсада мувофиқ эканлигини таъкидлади. Учрашувда Германия социал-демократик партияси ҳамда «Адолат» социал-демократик партияси фаолиятлари тўғрисида ахборот алмашиб туришга келишиб олинди.

Анвар СУЮНОВ, «Адолат» мухбири



РАМАЗОН ТУҲФАСИ



Тадбирда меҳрибонлик уйи тарбиячи ва ўқитувчилари бу даргоҳда таркиб топаётган яхши анъана — меҳр-оқибат ҳамда инсоний фазилатлар ҳақида гапириб, ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан мамнуният изҳор этишди. Шунингдек, баробарида ётоқхона ва ўқув машғулотлари ўтказиладиган хоналарни замонавий талаблар асосида жиҳозлашда айрим муаммолар юзга келаётганини маълум қилишди. Партия фаоллари эса ҳомий ташкилотлар

«Адолат» СДП Самарқанд вилот Кенгаши етакчилари, партия фаоллари ва ҳомийлар Самарқанд шаҳридаги 10-меҳрибонлик уйида бўлиб, хайрия тадбирини ўтказишди. Бу ерда тарбияланаётган 200 нафарга яқин ўғил-қизларнинг яшаш ва ўқиш шароитлари билан яқиндан танишди.



иштирокида муаммоларни ҳал этишга, хусусан Меҳрибонлик уйидаги акваторий ва синфхоналарни қайта жиҳозлашга вазъа беришди. Яхши ниятнинг дебосчаси сифатида вилот партия саркоотиби Ж. Алибеков меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Рамазон туҳфаларини улашди.

Ўз мухбиримиз Суратларда: меҳрибонлик уйидаги учрашувдан лавҳалар.

КЎЗА... КУНИДА СИНАДИ

Тижорат билан шугулланаётган кишиларга ҳеч ҳам осон эмас. Чунки улар бозордаги талаб ва эҳтиёжга қараб иш юритишга мажбур, акс ҳолда сарфлаган маблағини айралади, бозори касодга учрайди.

Одатда, тадбиркор қонуналарда белгиланганидек иш олиб бориб, ўз хатти-ҳаракати учун мулкий ва молиявий жавобгарлигини ҳис этади. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини ўз вақтида тўлаб боради. Бироқ, айрим «тижоратчи»лар яширин йўллар билан ҳар хил турдаги махсулотлар ишлаб чиқариб, байриқонуний йўл билан даромад топиш пайида бўлишади. Оқибатда қонуний йўл билан ички бозорда ишлаб чиқарган махсулотларга бўлган талаб камаяди, қолаверса, сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат махсулотлари аҳоли саломатлигининг ёмонлашувига сабаб бўлади.

Сақланаётгани аниқланиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Мазкур жиноий хатти-ҳаракатлари учун Е.Пиров ва А.Мирзаевага нисбатан ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми «б» банди ва 176-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилади.

Олмалик шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда Улуғбек қўчасидаги дўкон текширилганда сотувчи А.Нурматовнинг «киргилгил»лари фотш бўлди. У ҳаридор Ш.Исмоиловга «Экстра», «Конкурент» ароқлари ва бир қути сигаретани 2600 сўмга пуллаб, назорат-касса машинаси кечини ёки унга тенглаштирилган квитанция беришни «унуттанди». А.Нурматовдан ҳужжатлар талаб қилинганда калованиб қолди. Маълум бўлишича, у тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритиб келаятган экан. Сотиб учун тегишли рухсатнома олмагандан 265 минг 400 сўмлик ҳар хил спиртни иччиликлар, 135 минг 300 сўмлик тамаки махсулотларини ноқонуний равишда сотувга чиқариб, мўмай даромад қилиб келган. Бундан ташқари, унинг 110 минг 500 сўмлик озиқ-овқат махсулотларини сақлаб келаётгани аниқланиб, бу махсулотлар давлат фойдасига мусодара қилинди. Албатта, А.Нурматов ҳам қонуналар асосида қилишишга яраша жазосини олди. Ҳа, қонун-қодаларни четлаб ўтиб мўмай даромад қиламан, деганлар қаттиқ қаламди. Улар шахримизнинг хушёр ва сергак ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари томонидан тегишли жазосини олади.

Жасур ХЎЖАЕВОВ, Олмалик шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚКБ катта суриштирувчиси

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР

тўғаракларда маҳоратларини оширишмоқда

Сихат-саломатлик йилида Пахтакор туман халқ таълими ҳодимлари фаолиятида ҳам сезиларли сиқилишлар юз берди. Белгиланган истиқбол режа-дастурини асосида туман прокуратураси, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш бўлимлари, «Эксперт», «Маҳалла» хайрия жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аҳоли билан ҳамкорликда иш олиб борилаётгани ютуқлар гарови бўлмоқда.

Мақтабдан ташқари таълим муассасаларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини маъмурий ўтказишнинг ташкил этиш мақсадида ўқувчи тўғаракларга малакали ўқитувчилар жалб этилди. Натижада юзлаб иқтидорли ўғил-қизлар китобсеварлар, бадий ҳаваскорлик каби тўғараклар, спорт секциялари машғулотларида қатнашиб, маҳоратларини оширишмоқда. 11 та мактабга таълим муассасасида ташкил этилган соғломлаштириш гуруҳларида тарбияланувчиларга бепул хизмат кўрсатилаётди. Шунингдек, болалар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентараро алоқалар қўмитасининг депутатлар, тегишли вазирлик, ташкилот ва идораларнинг маъсул раҳбарлари иштирокида «Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИХ) доирасидаги халқаро шартномаларга қўшилиши» мавзусидаги семинари бўлиб ўтди.

ЭЪТИРОФ

Маълумки, жорий йилнинг 6 октябр кунини ўтказилган Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти саммитида мазкур ташкилотни ЕОИХ билан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Семинар иштирокчилари мазкур қарор мохиятан Ўзбекистоннинг МДХ доирасида иқтисодий интеграцияни кучайтириш босқичида ички позициясининг амалга тадбиқ этилиши эканлигини қайд этдилар. Йиғилишда, шунингдек, Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотини ЕОИХ билан бирлаштириш тўғрисидаги қарор минтақадаги барқарорлиқни мустаҳкамлаш, шериклик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилади.

Ш. САРИЕВ, «Адолат» мухбири

БИР КУНЛИК ДАБДАБА ДЕБ...

(«Мен кимдан камман?!», «Адолат», 2005 йил 43-сон)

Мақолани ўқидиму, тўйлардаги одатий манзаралар қайтадан кўз олдимга келди. Умуман тўйларимиз ҳақида кўп ёзибди, ёзилапти ҳам. Бироқ натижага келганда...

Ҳозир бозор иқтисодиёти шароити, ҳар нарсадан ўз ўрнида ва ўз вақтида фойдаланган маъқул, деймиз. Кўп ҳолларда электр, сув, газ ҳақини тўлашга ҳам овринамиз. Лекин «Мен кимдан камман?!», деб ном чиқариш учун тўй қилиш, 5-10 талаб хонаналарни «бирров»га чақириб, фонограмма қўйиб ҳумордан чиқибди ҳам тўхтатмаймиз.

Яқинда андижонлик бир дўстим фалончи артист керак, деб телефон қилиб қолди. Салтаткорларнинг зўрлари водийда-ку, десам, йўқ ўша керак — телевизорда кўп чиқади-ю, айнаш шу керак, деб туриб олди. Шаштидан қайтарганининг иложи бўлмагач, битта қўшин билан таъинлан, лекин ҳар ҳафта экранга чиқади хонанда боланинг иш юри-

Акс-садо

фалъ қилмайсаним, деган таъин унинг юзига айтганлар ҳам бўлди. Биз кўпинча тўйларини тартибга солишда маҳалла оқсоқоллари, ҳатто раҳбарлар, мутасаддилар бош-қош, ибрат бўлиш керак, деган сўзини ишлатамиз. Уша ибрат бўладиганларнинг ўзлари тескари иш қилишса-чи? Яъни, дабдабанинг бошловчиси, тўй соҳиб...

Сўзининг якунида чинакам ибратга арзирли бир ҳаётини мисол келтирсам, Фаронанинг икки туманига узок вақт раҳбарлик қилган Салимжон Марасулнинг номини ҳурмат билан тилга олишди, яхши ишларини — қурган биноларни-ю йўللар, барпо этган боғчаларини эслашди. Бугун одамлар у киши бош бўлиб қурадиган қорхонада ишлашапти, жуда катта адирликларда ўша инсон ташаббуси билан бўлган боғларнинг мева-ларидан даромад қилиб, рўзгорларини тебратишяпти.

Ахир инсондан шундай ёруғ из, обрў-эътибор қолиш керак эмасми? Минг долларга артист олиб бориб мактаблар ва мактабданга-лар ҳам ортига назар ташлаб ўз «из-ларига» яхшироқ қараб қўйсалар ёмон бўлмасди.

Анвар АБДУЛЛАЕВ

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги Ҳусайн Бойқаро номи маҳаллага «Ватан ҳимоячилари соғлом ва баркамол бўлишлари керак» деган мавзуда гавра суҳбати бўлиб ўтди.

Туман партия Кенгаши ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда она — Ватан тинчлиги ва оқибатини сақлаш юрт ўғлонлари учун шарафли бурч эканлиги таъкидлаб ўтилди. Йиғишда туман партия Кенгашининг биринчи котиби Олим Сиддиқов сўзга чиқди.

Собир Раҳимов туман партия Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида «Гийҳвандлик — аср вабоси» номи тадбир бўлиб ўтди. Унда гийҳвандлик, унинг аянчи оқибати хусусида гап борди. Ёшлар ўртасида гийҳвандликнинг олдини олиш, бу илатта биргаликда баҳамжияхат курашиш тўғрисида бир қатор тақлифлар билдирилди. Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган учрашув талабаларда яхши таассурот қолдириди.

Хоразм вилоти Урганч шаҳар партия Кенгаши сазй-ҳаракати билан «Фахриддин ар-Розий» маҳалласида «Дин ва сиёсий партиялар» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари билан бирга маҳалла фуқаролари ва оқсоқоллар, мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Йиғилишда эътиқод эркинлиги, диний бағрикенглик каби тушунчалар ҳақида гап борди. Хусусан, сиёсий партиялар бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориши зарурлиги таъкидланди. Тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб олинди. Ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Нарпай туман партия Кенгаши ташаббуси билан «Қозикент» маҳалласида «Сиз «Адолат» социал-демократик партиясини биласизми?» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда туман Кенгашининг биринчи котиби Болатбой Дамитов сўзга чиқиб, партиянинг мақсад ва вазифалари, буғунги кунда олиб бораётган изчил фаолияти ҳақида маъруза қилди. Анжуман сўнггида 20 киши партия аъзоллигига қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Пойтахтимизнинг эски ҳайвонот боғи ўрнидаги хий-бонда «Тулла, ишпа шаҳрим» акцияси якуниларига бағишланган хайрия концерти бўлиб ўтди. Унда кўлаб таниқли эстрада хонандалари иштирок этди.

Акция юртимизда илк бор ўтказилаётган бўлиб, «Аёллар кенгаши» нодавлат нотижорат жамоат бираммаси ташаббуси билан ташкил қилинди. «ТВ-Марказ» телеканали билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбир давомида Тошкент шаҳридаги маҳаллалар, мактаблар, олий ўқув юрталари ва жамоат ташкилотларида бир қатор учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилди.

— Мазкур акцияни ўтказишдан мақсад юртимиз озодалиги, кўркамлигини сақлаш ва кенг жамоатчиликни ана шу хайран ишга жалб этишдир, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири Д. Дўлатева биз билан суҳбатда. — Бундай тадбирларни келгусида вилотларда ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Тадбир сўнггида акциянинг энг фаол иштирокчилари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдурахим КАРИМОВ

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ

янги тахрир
бўйича айрим
фикрлар

Иқтисодиётда доир адабиётларда солиқ қонунчилиги турлича талқин этилган бўлиб, улар мазмунан бир-бирига яқин. Умуман олганда, солиқ қонунчилиги солиқларни жорий этиш, солиқ объектлари ва унинг тўловчи жисмоний ҳамда юридик шахслар доирасини, ҳисоблашни ва тўловчи тартибларини, қонунбузар шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган таъсир чораларини, давлат ҳокимияти ва ижроия-бошқарув идоралари томонидан қабул қилинадиган метёрий ҳужжатларини назарда тутди. Унинг асосий вазифаси солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида, белгиланган ҳажмда йиғилишини таъминлаш орқали давлат бюджетини шакллантиришдан иборатдир.

Солиқларга хос хусусиятлар солиқ қонунчилигида ифодасини топади. Солиққа доир ҳуқуқий муносабатлар давлатнинг солиқларни белгилаш, ундириб олиш ва қонун ҳужжатларида риоя этилишини назорат қилиши жараёнида юзага келади. Шунингдек, бу муносабатлар оммавий-ҳуқуқий хусусиятга ҳам эга. Солиқ ҳуқуқий муносабатларида доимо давлат ёки ваколатли орган томонларининг бири сифатида қатнашади, иккинчи томон эса доимо биринчи томонга бўйсунган. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари шартномавий муносабатлардан эмас, балки қонун кўрсатмаларидан келиб чиқади. Давлат солиқ хизмати органлари ушбу мажбуриятларнинг тегишли тарзда бажарилишини назорат қилади.

Солиқ қонунчилигида қўйилган вазифаларнинг рўйбга чиқарилиши, аввало, солиқ соҳасидаги муносабатларнинг мақсадга мувофиқ тарзда ҳуқуқий тартибга солинганлига боғлиқдир. Зеро, қонунчилик муносабатларнинг турли хил гуруҳларини тартибга солиши ва ҳуқуқнинг турли соҳаларига тегишли метёрийларни ўзида муҳасамалаштирган ҳужжатларни ўз ичига олади. Масалан, солиқ муносабатлари маъмурий, жиноий, фуқаролик ҳуқуқи ва бошқалар билан тартибга солинади. Бу каби қонун ҳужжатлари илмий асосланган, бир-бирига ўзаро боғлиқ ва бир-биридан келиб чиқадиган ҳужжатлар мажмуидир.

Солиқ муносабатларининг ҳуқуқий асослари мустақиллигимизнинг илк даврларидаёқ

қучга кирган эди. Ҳуқуқий замин 1991 йил 31 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги қонун, қолаверса, Бош Қомусимиз — Конституцияда мустақамланган. Айни ҳолат, шунингдек, мустақиллиқнинг дастлабки кунларида қабул қилинган "Қорхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалар солиқлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларнинг даромад солиғи тўғрисида"ги қонунларда ҳамда уларга қиринилган ўзгартиришлар, тўқдирлишларида ҳам ўз аксини топган.

Олий Мажлис депутатлари томонидан 1997 йил 24 апрелда тасдиқланган ва 1998 йил 1 январдан қучга кирган Солиқ ко-

дексиди мазкур соҳанинг ҳуқуқий асослари тўла-тўқис ўз аксини топти. Ушбу кодекснинг асосий вазифаси давлат билан шахслар (юридик ва жисмоний) ўртасидаги солиқ ва солиққа тортиш муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборат. Лекин мазкур кодекс амалга жорий қилинганда кўп бўлганга қарамай, ундаги айрим камчиликлар, бошқа қонун ости ҳужжатлари билан номувофиқликлар кўзга ташланиб қолди. Шу муносабат билан жорий йилнинг бошида Республика ҳуқуқати томонидан Солиқ кодексининг янги тахририни ишлаб чиқиш бўйича қарор қабул қилинди.

Қуйида Солиқ кодексини янада такомиллаштириш муносабати билан айрим фикрларни баён этмоқчимиз. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 41-боби якуновчи қоидалар, деф-номлаиб, жами бешта моддадан иборат. Бу моддаларда, асосан, солиқ муносабатлари билан боғлиқ низоларни қараб чиқиш (31), солиқ субъектларининг жавобгарлиги (132), солиқ жа-вобгарлигидан озод қилиш (133), солиқ ва йиғимлар бўйича бо-қимандаларни ундириш тарти-би (134) ва низолат молиявий жазо чоралари (135) каби ма-салааларни тартибга солиш қоидалари белгиланган. Қўри-ниб турибдики, мазкур боб, асосан, солиқ соҳасидаги содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва давлат солиқ хизмати идорала-ри хизматчилари билан солиқ тўловчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга сола-ди. Лекин шундай бўлишига қарамай, кодексда солиқ

Таклиф

ҳуқуқбузарлиги тушунчаси ва унинг асосий жиҳатларига таъ-риф бермай туриб, тўғридан-тўғри жазо чоралари белгилан-ганини кўрамай. Натижада бундай ҳолатлар давлат ижроия ҳокимияти томонидан қарорлар чиқариш йўли билан тўқдирил-ган. Жумладан, Вазирлар Маъ-камасининг 1997 йил 23 октябр-даги "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғим-ларнинг ундириб олишни тар-тибга солиш тўғрисида"ги қаро-рига мувофиқ, жисмоний шах-слар томонидан даромаднинг қас-дан яшириш ва солиқ тўлаш-дан бош тортиш белгилари ҳақида махсус илова берили-шига тўғри келган. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, Солиқ кодексининг 135-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига "олган даромадла-ри бутун суммаси ва шу миқ-дорда молиявий жарима қўлланилади", деган мазмунда ўзгартиришлар киритилса, мақ-садга мувофиқ бўларди. Бун-дан ташқари, 135-модда 10-бан-ди сўз фактураларда рекви-зитлар тўлиқ тўқдирилмагани учун қўлланиладиган молиявий жазо чораси чиқариб ташлан-са, ортқича ҳужжатбозлик бир-мунча камаярди. Чунки ушбу ҳолатда сўз-фактураларда реквизитлар тўлиқ тўқдирилма-гани билан солиқ тушумаири қамайтирилади, давлат бюд-жетига зарар етказилмайд.

Қурбонназар ШОДИЕВ,
Республика банк-молия
академияси тинловчиси

ХОРИЖ АБАРЛАРИ

ЯПОНИЯДА ЯНГИ ҲУКУМАТ

Япония бош вазири Жун-итиро Коидзуми амалдаги ҳуку-матни истеъфода чиқариб, янги ҳукумат таркибини эълон қилди.



Р АТА-ТАСС ахборот агент-лиги хабарига қараганда, Японияда ҳукумат раҳбаридан кейинги ўринда турувчи лаво-зим — бош котибликка 51 ёшли Синдзо Абэ лойиқ топишган. Бунга қадар С.Абэ Либерал-де-мократик партия раисининг ўринбосари лавозимда фаолият юри-тиб келган. Мамлакат ташқи сиёсат маҳкамасини 65 ёшли Таро Асо бошқарадиган бўлди. Мамлакат мудофаа бошқармаси раис этиб Фукусима Нукага тайинланди.

Шунингдек, молия вазири Садакадзу Танигаки, экология вазири Юрико Коидзуми ҳамда давлат ери ва транспорт вазири Кадзую Китага-ва ўз лавозимда қолди.

Жорий йил 11 сентябрь куни мамлакатда парламент сайлови ўтқа-зилган ва унда Жунитиро Коидзуми бошчилигидаги Либерал-де-мократик партия муваффақият қозонган. Шундан сўнг Ж.Коидзу-мин 21 сентябрда ўтган парламентнинг махсус сессиясида бош вазир-ликка қайта сайланган, ҳукумат таркиби янгидан қўриб чиқирилиши айтилган. Маълумотларга кўра, Ж.Коидзуми Либерал-демократик партия раиси лавозимига Цутому Такэаэни маткул қўрган.

Таъкидлаш жоизки, Ж.Коидзуми 2001 йилдан буён ҳукуматда рах-барлик қилиб келаётган. Бу давр мобайнида ҳукумат таркиби уч марта алмашган.

ЭНГ ЙИРИК ЖИНОЯТ

«Нефть эвазига озиқ-овқат» дастурининг суиистеъмо қилин-гани аниқланиб, ўтган йил ап-рель ойида тергов-суриштирув ишлари бошлаб юборилган эди. Яқинда БМТ Бош котиби Кофи Аннанга жиноий иш юзасидан тайёрланган ҳисобот тақдим этилди.

Ишбу дастури 1996 йил де-кабрь ойидан буён амалга ошириб келинмоқда. Унга кўра, Ироқ нефтидан тушган даромад ҳисобига маҳаллий аҳоли инсонпарварлик ёрдами билан таъминланиши кўзда тутилган.

Ҳисоботда келтирилишича, дастур доирасида собиқ президент Са-дам Ҳусайн ҳукумати 11 миллиард АҚШ доллари миқдорда фойда кўрган. Аввалга собиқ диктатор ҳукумати Ироқ нефтини сотиш ҳуқуқига эга бўлиш учун турли хорижий компаниялардан қўшимча тоовон ундириб келган. Бу ноқонуний пуллар мамлакат эҳтиёжи учун сарфланмай, собиқ президентнинг Иордания ва Ливан банкларидаги махфий ҳисоб рақамларида сақланган. Ҳисоботда, шунингдек, Ироқ ҳукумати аъзолари мамлакатта нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиниши учун дастурга амал қилмаган ҳолда АҚШ, Буюк Британия ва Япониядаги бир нечта компанияга нефть сотишни тўхтатиб қўйган, дейилади.

Умуман, суриштирувлар натижасида С.Ҳусайн ҳукуматининг дасту-рини ҳаётга таътиб этишда 66 мамлакатнинг икки мингта яқин компания ва хусусий тадбиркорлари билан ноқонуний тил бирик-тирганлиги маълум бўлди. Улар орасида дунёдаги йирик нефть ком-паниялари, америкалик бизнесменлар ва хаттоки «Даймер-Крайс-лер» автомобил компанияси вақили бормиги аниқланган. Ҳозирча ушбу жиноятчиларнинг шахси ошкор этилмаган.

Жорий йил февралда «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури рах-бари Бенон Севаниннинг ҳам С.Ҳусайннинг катта миқдорда пора олган-гани аниқланган эди. Шундан сўнг у лавозимидан четлатилди. Бун-дан ташқари, Б.Севан дастур доирасида БМТнинг собиқ бош котиби Бутрос Голлиннинг қариндошларидан бирига қарашли «Африка Миддл Ист Петролюм» компаниясига манфаатли шартномани расмийлаш-тирган ва бу хизмати учун катта миқдорда пул билан тақдирланган.

Кофи Аннан дунё ҳамжамиятига мурожаат қилиб, жиноий ишга алоқадор мамлакатлар фуқароларига қатъий чоралар қўлланилиши-ни сўраган. Унинг таъкидлашича, мазкур иш ташкилотнинг 50 йил-лик фаолияти давомида амалга оширилган энг йирик жиноятдир.

НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

Ливан ҳукумати ма-млакатнинг Сурия билан чегарадош Султон-Ёқуб ҳамда Ҳилва туманлари-га ҳарбий назоратни ку-чайтиришга қарор қилди. Бунга мазкур туманла-рда «Ҳизбуллоҳ» ва ФАТХ айирмачи гуруҳлари фа-олият кўрсатаётгани сабаб бўлди.



М амакат ҳукумати айирмачи гуруҳ-лар томонидан турли ҳушрезликлар амалга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотни қўлга киритди. Шундан сўнг чегара назорати-ни қучайтириш мақсадида қуроли кучлар махсус хизмати тар-кибидан 500 нафар аскарни Султон-Ёқуб ва Ҳилва туманларига жўнатишга қарор қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ливанда ўтган асрнинг иккинчи ярмида фу-қаролар уруши ўз берган ва 1989 йили Тоиф келишувидан сўнг можароларга барҳам берилган эди. Келишувда хорижий мамлакат-лар ҳарбийларини Ливан ҳудудига жойлаштириш кўзда тутилган-ди.

Ўтган йили БМТ Хавфсизлик кенгаши Ливандан хори-жий ҳарбийларни олиб чиқиш тўғрисида резолюция қабул қилди. Унда Ливандаги айирмачи гуруҳларнинг қуролизи-лангириш мажбурияти ҳам кўзда тутилган эди. БМТнинг Яқин Шарқдаги махсус вақили Терье Ред-Арсонининг Кофи Аннанга тақдим этган ҳисоботида эса Сурия томонидан ҳамон «Ҳизбуллоҳ» ва ФАТХ гуруҳларини қуроли-яроғ билан таъ-минлаётгани айтилган.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган ха-барларга кўра, чегара ҳудудидagi жангари гуруҳларни Су-рия билан болаб турувчи ерости йўлга бўлиб, улар шу йўл орқали қуроли-яроғ билан одаи-берди қилиб келаётган. Шу боис мазкур гуруҳлар ҳозир ҳам жанговар ҳолатда экани таъкидланмоқда.

Алишер НАЗАРОВ

КАТТА ИШЛАРСИЗ КАТТА БОЙЛИК — ҲЕЧ НАРСА. Фонвизин

Қарор ва ижро

Олий Мажлисининг 2004 йил 2 декабрдаги сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджет тўғрисида" ҳамда 2004 йил 28 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджет параметрлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинган эди. Ҳўш, жойларга ушбу қарорларнинг ижросини таъминлаш юзасидан қандай ишлар амалга оши-рилмоқда? Биз ани шу савол билан Навоий вилояти Молия бошқармаси бошлиғи Ёрқин Турсуновга мурожаат қилдик.

— Мазкур қарорларнинг қабул қилиниши бежиз эмас, — дейди Ёрқин Турсунов. — Негаки, бюджет маблағлари ҳақимиз фаровонлиги, юр-тимиз ободлиги йўлида сар-фланиши лозим. Вилоти-мизда маҳаллий бюджетнинг ижроси юқорида таъкидлан-ган қарорлар билан тасдиқ-

Ҳукумат қарорлари асо-сида аҳолининг ҳам даромади қатламини иккимой ҳимоя-лаш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярим йилида 42419 та оила нафақа ва моддий ёрдам тўловлари билан таъ-минланди. 611 та аққа-ёқиз қариянинг тўққиз хил озиқ-овқат махсуслоти харажатла-

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ

Навоий вилояти солиди

ланган параметрлар доира-сида амалга оширилаётган. Вилотидаги республика бюджетига ажратма берув-чи ҳудуд ҳисобланса-да, ол-тига туманимиз ҳозирги кунда вилот бюджетидан дотация олиб келмоқда. Ушбу туманларда маҳаллий бюджетнинг даромад манба-ларини мустаҳкамлаш мақ-садида шу йилнинг июнь ой-ида вилот ҳокимиянинг "До-тация олувчи туманларда до-тация миқдорини қамайти-риш бўйича 2005-2006 йил-ларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғриси-да"ги фармойиши қабул қилинди. Ушбу дастурга асо-сан амадаги 2005 йилда до-тация улушини Қонимех ту-манида 5,7, Тонди туманида 6,7 фоизга қамайтириш, Қизилтепа туманини эса до-тациядан тўлиқ чиқариш белгиланган. Бунинг бажа-рилишини таъминлаш учун тегишли туман ҳокимлика-ри томонидан инвестициялар жалб қилиш орқали янги ишлаб чиқариш қорхонала-рини ташкил этиш, мавжуа бокиманда қарзларни қамай-тириш, бюджет харажатла-рини оптималлаштириш бўйича зарур чора-тадбир-лар ишлаб чиқилиб, амада таътиб қилинмоқда.

Маҳаллий бюджетнинг ха-ражатлар қисми бўйича би-ринчи ярим йилида 33640,3 миллион сўм молиялаштирил-ди. Жумладан, бюджет таш-килотларида ишловчи ходим-ларнинг иш ҳақи учун 14595,3 миллион сўм сарфланган. Ма-ҳаллий бюджетнинг эркин қолгани ҳисобидан 1081,5 миллион, даромадларнинг ре-жадан ортқича тушум қисми ҳисобидан 553,3 миллион ҳамда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан 38,2 ми-лион сўм қўшимча харажат-лар амалга оширилди.

ри учун 45,4 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, умумтаълим мактабларини дарсликлар, кам таъминланган ўқувчиларни қишқи қийим-кечақлар билан таъминлаш, вилот муруват уйи ва ногир-онларни реабилитация қилиш марказлари учун ҳам бюджет ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Вазирлар Маҳка-масининг 2004 йил 9 июдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги Дастури-ни амалга ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақса-дида вилотда мактаблар қуриш, таъмирлаш ишлари-га 4 миллиард 31 миллион сўм ажратилди.

Гарчанд аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, бюджетдан маблағ олувчи баъзи ташки-лот раҳбарлари ҳукуматнинг томонидан берилаётган мод-дий бойликлардан ноўрин фойдаланишмоқда. Жумладан, Қонимех туман халқ таълими бўлими мутасаддилари томо-нидан умумтаълим мактабла-рига бозор нархларидан анча юқори ва сифатсиз бўлган 18 миллион сўмлик қўриқни қўйиб сотиб олган. Буни-нг оқибатида давлат бюджетига 12 миллион сўм зарар келти-рилган. Шунингдек, Учқудуқ туман халқ таълими бўлими-нинг мансабдор шахслари то-монидан сохта ҳужжатлар асосида 7,1 миллион сўм, 10-ўрта мактабда иш ҳақи, па-ўрта ва касаллик варақалари учун 11,2 миллион сўм маблағ ўзлаштирилган.

Бундан ташқари, туманла-рда баъзи касб-хунар кола-лежларининг қолдиқ қиймат-лари нархлари мониторинг қилиниб, 585 миллион сўмга ортқича баҳоланганлиги маъ-лум бўлди.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири

10 ноябрь — Ички ишлар ходимлари кун

ТИНЧЛИККА МАСЪУЛИК улар фаолиятининг мазмунига айланган

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири раисининг жорий йил 9 ойи якунларига бағишланган йиллишида асосий эътибор — юрт тинчлигини асраш, фуқаролар осойиш-талигини таъминлаш, қора ният, манфур қисмларнинг турли бузуғчи ва жиноий ҳара-катларига йўл бермаслик, доим хушёр ва сер-гак бўлишга қаратилади.

Ўтган давр мобайнида жамо-атчилик тартибини сақлаш бўйи-ча «Антитеррор», «Тозалаш», «Тун», «Арсенал», «Қора дори», «Қидирув», «Фуқаро» каби тад-бирлар ўтказилди. Бу тадбирлар яхши самара берди.

— Биринчи навбатда жиноят-лар сонининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кескин қамайи-шига эришдик, — дейди биз би-лан суҳбатда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вази-рининг биринчи ўринбосари, ми-лиция майори А.Низаметов. — Тахнатош шаҳрида, Хўжайли, Тахтақуш, Нукус, Тўртқўл ту-манларида бир қанча содир эти-лиши мумкин бўлган жиноятла-рининг одаи олинди. «Қора дори» тадбири давомида 282 кватрат метр майдонга экилан кеңдир ва кўкнори ўсимликлари йўқ қилинди. Шу билан бирга ходим-ларимиз томонидан жиноятчи-ликнинг одаини олишга, гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғу-ланаётган кимсалар фаолиятига чек қўйиш юзасидан тезкор қидирув ишлари олиб борилаёт-тир. Ана шундай тадбирлар да-вомида Тўртқўл тумани ҳудуди-да самарқандлик М.Норкулов-нинг 123,6 грамм героин олиб келганини аниқлагани, унга нис-батан жиноий иш қўзғатилди.

Солиқ ва валютга оид жи-ноятларга қарши курашни тад-бирларида ҳам фаол иштирок этаппимиз. Бугунги кунга қадар товламачилик билан шуғулланиб келган 72 нафар фуқароларга

нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, 582 миллион 279 минг сўм ҳамда 5700 АҚШ долла-ри эгалари-га қайтарил-ди. Шунинг-дек, Ҳазе-кис-тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига му-вофиқ мамлакатимизга ноқону-ний тарзда товарлар олиб кели-ниши одаини олиш бўйича олиб бориладиган тадбирларда 243 ми-лион 800 минг сўмлик моддий бойликлар давлат фойдасига му-содала қилиниб, 1251 фуқаро маъмурий жавобгарликка тор-тилди.

Вазирлик томонидан диний-экстремистик гуруҳларнинг пайини қирқиш, уларнинг инсо-ният тамаддунига раҳна солади-ган ғояларига ёшларнинг эрга-лаши кетишининг одаини олиш бўйича ҳам бир қатор чора-тад-бирлар олиб борилапти. Йил бо-шидан буён жамоатчилик жой-ларида, мактабларда, ўрта мах-сус ва олий ўқув юрталарида, қорхона ҳамда ташкилотларда Ватан, эл-юрт тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз, тинчлигимиз ва сойишталлигимизни кўз қора-чингай асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлиги ҳақида тарғибот-ташвиқот иш-лари олиб бориламоқда. Шунин-гдек, паспорт тизимини мустаҳ-



Нукус шаҳар ИИБнинг хорижга чиқиш-келиш ва фу-қароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, милиция майори М. Есенбоев ёшларга паспорт топширмоқда.

камлаш, чет давлатлардан кел-ган ва атомобиль йўллари орқа-ли ўтувчи йўловчи фуқаролар-нинг ҳисобини олиш ва назорат қилиш ишлари тўла тартибга солинди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жо-изки, маҳалла, фуқаролар йи-ринлари билан биргаликда бу борада олиб бораётган ишлари-миз яхши самара берапти. Улар билан биргаликда, ота-онаси ва мураббийларнинг масалаҳатла-рига қулоқ тутмайдиган айрим ёшлар аниқланиб, уларни дои-мий назоратга олишга эришдик. Сўхбат якунида вазири-нинг биринчи ўринбосари барча ҳам-касбларига яқинлашиб келаётган касб байрами табригини йўлла-ди. Фурсатдан фойдаланиб биз ҳам ички ишлар органлари хо-димларини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этамиз. Уларнинг ҳақимизнинг тинч ва осуда ҳаёт кеңиришини таъмин-лаш учун қилаётган фидокоро-на меҳнатларида муваффаққи-ятлар тилаймиз.

Дафит АБИДУЛЛАЕВ,
«Адолат» мухбири

Банк

бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда. Агар туман-да банк томонидан ўтган йили галла ва пахта етиштириш учун фермерларга 595 миллион 429,5 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, бу йил биргина пахта ҳосилини етиштириш ва йиғиб олишга ажратилган имтиёзли кредитлар миқдори 505 милли-он 522 минг сўмни ташкил этди. Бир сўз билан айтганда, маз-кур банклар деҳқоннинг яқин қўмақдошига айланиб улгурди.

Ш. САРИЕВ,
«Адолат» мухбири

хўжалик техникалари, чорва моллари сотиб олишга ва кичик бизнес субъектларини ривожлан-тиришга сарфланди. Шунингдек, "Бизнес фонд" кредит линияси-дан олинган 22 миллион 605 минг сўм маблағ ҳам туманда деҳқон-чилик ва чорвачиликни ривож-лантиришга йўналтирилди. На-тижада ўнлаб янги иш ўринлари яратилди. Қолаверса, қўрилаёт-ган амалий тадбирлар банк кре-дитларини кеңикмай қайтарили-ши, пенсия, бюджет ташкилот-ларини иш ҳақи билан ўз вақтида таъминлаш инқилибини бермоқда.

Давлат тижорат "Халқ бан-ки" Миразқўл туман бўлими ҳам

ҲАР ФИШТИ ЗАР ҚАЛЪАМ САМАРҚАНД...

Ҳар сафар дунёнинг олис бурчларидан Самарқандга — Шарқнинг афсоналар шаҳрига мўъжиза истаб келган сайёҳлар маҳорати нақшкор, нилий гўлбаларни ҳайрат билан томоша қилишар экан, ана шу бетакрор санъат пойдеври яна бир гўзалликка рўбарў бўлишди. Бу кўҳна шаҳар ҳунармандлари, расом ва ижодкорларнинг бой ҳаёлот ва чуқур фалсафий кечинмаларини ўзига мужассам этган Бағдий буюмлар кўргазмасидир. Зарғўзлик, каштачилик, ҳайкалтарошлик, кулоачилик, заргарлик йўналишида гоёта юксак даражада маҳорат билан яратилган асарларни ҳақли равишда Самарқанд зийнати, унинг авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган боқира санъати дейиш мумкин.



Самарқандлик бағдий ҳунармандчилиги усталари Япония, Франция, Англия, Германия ва Бельгияда ўтказилган қатор халқаро кўргазмаларнинг совриндориди. Уларнинг асарлари жаҳондаги нуфузли музейларда муваффақиятли на-

моиш этилмоқда. Самарқанд бағдий академиясининг таниқли ижодкорлари Нуриддин Ҳасанов ва Аҳмад Умировнинг амалий кўргазмалари Америка Қўшма Штатлари, Москва ва Франция музейларида хорижий санъат мутахассисларининг эътиборини қозонгани, кулол Худойберди Ҳақбердиевнинг сопол миннатуралари Япониядаги кўргазманинг олтин медалига лойиқ топилиши ва нисоят қишлоқлик нақшкор Мирмур Асадовнинг Ўзбекистон Қасридаги унвонига сазовор бўлгани ҳақиқий ҳисобга берилган муносиб баҳодир.

Республика «Хунарманд» уюшмасининг Самарқанд бўлими бутун ўз атрофида юздан зиёд истеъод эгаларини бирлаштиргани ва улар санъатини дунё миқёсда тарғиб этаётгани эътиборга моликдир. Зотан, Ватанимиз ўтмишига зебу зийнат бўлиб келаётгани ҳар битта гишти-ю, кўшқу равоглар, обод манзилгоҳлар, барикенг одамлар Самарқанд ижодкорлари учун туганмас мавзу. Бу меросни асраб-авайлаш, дунёга танитиш эса савоб ва шарафлидир.

Зоҳир Тўрақулов,
«Адолат» мухбири

САЛОМАТЛИК ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети қошида Ибн Сино номи саломатлик марказининг малакали шифокорлари олийтоҳ профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида кенг миқёсда даволаш-профилактика ишларини йўлга қўйдилар. Марказнинг «Саломатлик сабоқлари» клубида талаба ёшларнинг тиббий билимини ошириш мақсадида «Саломатликни ёшлардан эҳтиёт қил», «ОИТС — аср вабоси», «Чекишнинг зарари» каби мавзуларда қўллаб-қувватловчи тадбирлар ўтказиб келинмоқда.



Суратда: Саломатлик маркази раҳбари Моҳиёруза Акбаров ва ҳамширалар билан келгусида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида суҳбатлашмоқда.

БОТУЛИЗМ БОТИННИ ЗАҲАРЛАЙДИ

Маромига етказиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилган киши организмиде турли хил юқумли касалликлар пайдо бўлиши мумкин. Ана шундай касалликлардан бири — ботулизмдир. У асосан марказий асаб тизимининг оғир шикастланишига, баъзи ҳолларда, асаб ва мушаклар парези ва фаллажга олиб келади. Агарда ўз вақтида даво чоралари қўрилмаса, ботулизм оғир асоратларга олиб келиши, ҳатто беморларда ўлим ҳолати кузатилиши мумкин. Касалликни қўзғатувчи ботулизм таёқчалари

кислородсиз (анаэроб) шаронгта кўпайди. Улар кўпроқ консервланган маҳсулотларда учрайди. Эътиборлиси, ботулизм таёқчалари ҳар қандай нокулай шаронгта ҳам мослаша олади ва кўп йилларгача яшайди. Ўзидан жуда кучли заҳар (ботулинтотоксин) ишлаб чиқаради. Токсин одам организмига тушганда асаб тизимини қаттиқ заҳарлайди ва ботулизм касаллигини келтириб чиқаради.

Ботулизм споралари туپроқ, сув ҳавзалари, мол боқилмадан яйловлар ва қўшлар галаси қўнадиган жойларда учрайди. У ташқи муҳитга чидамлиги билан бошқа микроблардан фарқ қилади. Ҳатто 100 даражали

хароратда 6 соат, 105 даражада 10-20 минут ўтгач парчаланаяди. Споралар паст хароратга бундан ҳам чидамли: -250 даражада ҳам ҳалок бўлмайди. Токсин асосан балик, вetchина, қолбаса, қондага зид равишда тайёрланган тузламалар ичида ёки герметик берк консерва банкаларида ҳосил бўлади.

Мева ва сабзавотлар ботулизм споралари билан зарарланган бўлса-ю, етарлича стерилизация қилинмаса, консервланган маҳсулот заҳар манбаига айланади. Чунки, айбиги ўтилганидек, кислородсиз шаронгнинг юзага келиши заҳар ҳосил бўлишига имкон яратаяди.

Ботулизм микроблари инсон организмига тушганда кейин 3-4 соат, баъзан 2-4 кун ичида касаллик аломатлари юзага чиқади. Беморнинг туш ости соҳаси оғирлашиб, қайда қилади, қоринда оғриқ пайдо бўлади. Кўз хираллашиб, ютинишга ва гапиришга қийнанади. Овоз бўғилиб, бош

шифокор маслаҳати

айланади. Бундан ташқари, бўйин ва қорин мушаклари таранглашади. Бундай ҳолатда беморни зудлик билан шифокорга кўрсатиш зарур.

Бу хавфли касалликнинг олдини олиш учун қуйидаги санитария ва гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади:

— консерва тайёрлаганда сабзавотлар, мева, қўзиқоринларни яхши-лаб тозалаш, улардаги туپроқ қолдиқларини синчиқлаб кўриб, ювиб ташлаш керак;

— қайнатилган ёки хом гўштларни, сабзавот маҳсулотларини бошқа-бошқа тахталарда ва асбобларда майдалаш лозим;

— идишларни, банкаларга қуйиладиган суюқликни ва тайёр бўлган консервлани идиш билан қайнатилган керак;

— сабзавотларни тузука пақирга ёки бочкага тузлаш маъна этилади;

— бомбаж бўлган консерва маҳсулотларини истеъмол қилмаслик лозим.

Суннатилла АХМАТНАЗАРОВ,
Собир Рахимов туман ДСЭНМ бўлим мудири

Ифтихор

Раҳмонбек ўқ овозини эшитиб, шитоб билан ҳовлига кирди. Қараса, Исмоил оқсоқолнинг ҳовлиси!

— Мени яширинг, оқсоқол. Йўқаси иккинчиси ҳам мушукдек эззилб ташлашади. Тезроқ бўлинг, нега имиллайсиз?!

Оқсоқол бемаҳал келган меҳмондан ҳайратланиб, сукут сақлади. Ичиди: «Нега ўзингга келган балого мени шерик қилгансан, Бек?! Биласан-ку, замоннинг нозиклигини. Шу тобда сенга қўйилган тузоққа мен ҳам тушиб кетмасам гўрга эди» деб қўйди.

Бекнинг кўзларидан олов чакнади. У оқсоқолга хазеланиб, «Сукут сақлашдан мақсадингиз нима? Унда ўзим сизни тинчитиб қўя қоламани» деди.

— Нималар дейсиз, бек?

— Эслатиб қўй, агар-...

— Жаҳдан тушинг, бек.

Раҳмонбек ўша оқсоқол оқсоқолликдан паноҳ топти.

— Раҳмат, оқсоқол. Бу яхшичилигини бир кун қайтарман, агар ўлиб кетмасам. Гап бундай, оқсоқол! Қизилар ҳамма ёқни ишрол қилиб олган. Бу ердан кетиш керак. Лекин пийда қаерга ҳам кета олардим. Яна бир яхшичилигингизга муҳтожман. Отини бера туринг?

Оқсоқол ер чизиб ўйга толди. Бисотида бори битта оти бўлса. Бунинг устига отини шунча йил кўз қорачидек асраб, унга меҳрини қўйди. «Ахир, меҳр қўйганидан ажралиш ўлиш дегани-ку!», ҳаёлидан кечди унинг.

Бекнинг эса кўзлари бежов, жавобни кутаётди.

— Ҳи-им ўй суриб қолдингиз?! Мендан ҳам шу от азиз бўлиб қолди-ми?! Агар мени шу остодада тутиб олишса сизни ҳам тинч қўйишмаслигини унутманг. Боринг, отни қозикдан ечиб келинг. Вақт зик, билдингиз-ми?!..

Оқсоқол миқ этмай турарди. Раҳмонбек чолга эътибор бермай, қозикдаги отни ечди-да чаққон сақ-

соқов ўғли билан Бойсундан олиб кетишди.

Қизил аскарлар ота-бола туқинларини одилларига солиб «Оққочқай» адирали оша Қумқўрмон темир йўл бекати томон йўл торттишди.

Бойсундан келишда чапдаги адириқда «Қўқанлибобо» қабристонидан бор, ўнг то-

АРМОН

ёҳуд қатағондан қолган дард

раб минганча чоптириб қочиб қолди. Шу тобда кимдир Исмоил оқсоқолнинг ҳовлисидан от чоптириб чиқиб кетган кимсанинг шарпасини пайқаб қолди.

Эртасига тергов бошлади. Одамлар улар томон яқинлашдилар. Аскарлардан бири сув келтиришларини сўради.

Одамлар орасида дўмбироқ туталаб турган бир чол бор эди. Оқсоқол унга ишора қилиб: «Дўмбиранинг овозини соғинадим. Рухат этсангиз, қатағон олдидан дардимизни сизларга қолдириб кетайлик», деди. Қизил аскарлар ҳам қўнғилчанилик қилишди: қонинг қўлидан чилвирни ечиб, дўмбирани тутқазингиз.

Дўмбира Исмоил оқсоқолнинг қўлида мисол булбулдек тилга кирди. Парда-

монда эса қишлоқ, қишлоқ ёнида одамлар галла ўришати. Уроқчилар: «Бутун яна кимнингдир шўри қуриди», дея ўроқларини гарамларига қолдириб, ёлғизоёқ йўл билан келишди.

Қизил аскарлар тўхташди. Одамлар улар томон яқинлашдилар. Аскарлардан бири сув келтиришларини сўради.

Одамлар орасида дўмбироқ туталаб турган бир чол бор эди. Оқсоқол унга ишора қилиб: «Дўмбиранинг овозини соғинадим. Рухат этсангиз, қатағон олдидан дардимизни сизларга қолдириб кетайлик», деди. Қизил аскарлар ҳам қўнғилчанилик қилишди: қонинг қўлидан чилвирни ечиб, дўмбирани тутқазингиз.

Дўмбира Исмоил оқсоқолнинг қўлида мисол булбулдек тилга кирди. Парда-

Хотира — қалб гавҳари

лари хониш қилганда кўпларнинг кўзидан ёш оқди.

Бу аламли дақиқалар унинг қизи Ҳалиманинг ҳаёлида эртадек қолиб кетди.

Яқинда элнинг тилига тушган шўрчилик тадбиркор Бахтиёр Жумаев дўмбирасини олиб: «Бунинг қулоқ-бошини тоғам Жума бобо Ҳасановга торттириб келайин», деб «Нексия»сида Қумқўрмон туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги томон жунади.

Жума бобонинг умри «Оққочқай»нинг дала-ю қирларда ўтган. Бир неча йил раислигининг заҳмати ҳам чеккан. У Исмоил оқсоқолнинг невараси, Ҳалима опанинг ўғли.

Жума бобо бобоси Исмоил оқсоқол ва тоғасининг бошидан не-не сир-синоатлар ўтганини онасидан эшитган. У Бахтиёрнинг қўлидан дўмбирани олиб торларини тортди. Сўнг онасидан эсдалик қолган ўланини соғна солиди. Дастлаб бобосининг дардини қўлай бошлади.

Тоғамни ўғли билан Иркутскийга қатағон қилишган. 83 ёшли ҳамқишлоғимиз Боймирзо бобонинг менга сўзлаб беришча, ота-бола жигараимиз Сибир ўлкаларида ҳалок бўлишган, — дейди Жума бобо Ҳасанов дўмбирасини тиззасига қўйиб «уф-ф» тортаркан.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ

Спорт

ФАХРИЙЛАР ГИЛАМГА ЧИҚДИ

Чехия пойтахти Прага шаҳрида самбо бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 42 мамлакатдан келган 400 нафарга яқин спортчи волиблик учун куч синашди.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган вакилларимиз ўнча медалга сазовор бўлди. Ўз вазн тоифасида барча рақибларини марлубиятга учратган Константин Лутцев, Талъат Яфаров ва Мирзоулубек Шомирзаев олтин медал билан тақдирланди. Ориф Маъмуров кумуш, Чингиз Таймазов, Жаҳодий Биджиев, Жаҳонгир Пирназаров, Дониёр Пирназаров ва Нозим Сафаров бронза медалга лойиқ топишди.

ТУРНИР ҒОЛИБЛАРИ

Россиянинг Сочи шаҳрида таэквондонинг ИТФ йўналиши бўйича ўтказилган халқаро турнирда 20 мамлакат спортчилари волиблик учун куч синашди. Мусобақада Фахриддин Умаров бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларимиздан ўн нафари шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Хотин-қизлар ўртасида Инна Квон, Феруза Кенжаева, Алефтина Ким олтин медалга сазовор бўлди. Эркалар ўртасидаги беллашувларда Бахтиёр Исроилов, Равшан Комилжонов, Эадор Қаршиев, Алексей Курмакаев, Дмитрий Пак, Отабек Мирфайзиев ва Фахриддинхўжа Болтахўжаевга тенг келадиган рақиб топилмади.

ШОҲРУХНИНГ ОРЗУСИ

Самарқанд шаҳридаги «Сўдиёна» спорт мажмуаси бутун ёшларнинг сеvimли масканига айланган. Айниқса, таэквондонинг ИТФ йўналиши бўйича шуғулланаётган ўғил-қизларнинг шижоати ўзгача. Спорт устаси Дилвор Рустамов кўл остида маҳоратини ошираётган ёшлар ичида Шохрух Алибеков бошқалардан ўзининг тезкор ҳаракатлари билан ажралиб туради.

Шохрух 1984 йилда туғилган. Шаҳардаги 17-мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, ҳозирги кунда Иқтисодиёт сервис коллежиде ўқишни давом эттирмоқда. Таэквондо билан болалигидан шуғулланиб келаётган Шохрух вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб, бир қанча ютуқларга эришган. 2003 йили Жапоний Кореяда ўтказилган халқаро турнирда 3-ўринни қўлга киритди. Ўтган йили Амир Темур соврини учун ўтказилган турнирда мамлакат кубоги соҳиб бўлди.

Спортда қалаба қозониш осон эмас. Бунинг учун катта меҳнат, изланиш ва чиддам керак. — дейди ёш таэквондоч. — Айни кунларда келгуси йили Вьетнамда бўлиб



Ўтадиган жаҳон чемпионатида қизгин тайёргарлик кўраяпман. Ниятим, ана шу нуфузли мусобақада зафар қозониб, она Ватанимиз шухратини дунёга таратишдир. Эшмамат ҚУРБОНОВ

ШУҲРАТНИНГ ҒАЛАБАСИ

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган шахмат фестивалида гроссмейстерлар ва спорт усталари иштирокида халқаро турнир ташкил этилди.

Тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада юртимиз шарафини Шухрат Сафин ҳимоя қилди. Турнир якунида бирварақайига тўрт нафар шахматчи еттидан очко тўплади. Қўшимча кўрсаткичлар бўйича энг яхши натижага эга бўлган ўзбекистонлик шахмат устаси украиналик Эдуард Андереев, грузиялик Теймураз Гелашвили ҳамда мезбонлар вакили Гадир Гусейновни ортада қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

Боҳир БЕК

АЙИҚДАН ТЕЗ ЮРИШ ШАРТ ЭМАС

ТРАМВАЙНИНГ
ЁРДАМИ

— Дада, бутун юз сўм тежамим, — дебди ҳовлиқиб ўйли.

— И-е, қанақасига? — Трамвайнинг орқасидан югуриб, уйга етиб келдим.

— Ўлими, бундан кейин таксининг ортидан югур, пулни кўпроқ тежайсан, — дебди отаси қувониб.

ХАСИС ОТА

Ўйли отасидан пул сўрабди:

— Дада, беш сўм бериш. Отаси жавоб берди:

— Тўрт сўм! Уч сўминим қиласан? Сенга икки сўм ҳам бўлади. Ма, бир сўм!

БЕШ СЎМГА НИМА
ОЛАЙ!

— Ўлими, — дебди ота бир кунги. — Мана бу беш сўмга гутурт ол, мана бу беш сўмга нон ол, мана бу беш сўмга эса музқаймоқ олиб ейишинг мумкин.

Вироздан сўнг бола бошини эгиб қайтиб келди.

— И-е, нима бўлди, пуллари йўқотиб қўйдингми? — сўрабди отаси қанаағли учиб.

— Йўқ, — дебди бола йилламираб. — Қайси беш сўмга нима олиш керакчилигини унутиб қўйдим.

СЕНДАН ОДИНРОҚ
ЮРАМАН

Абдурайим билан геолог тоғда рангил тошлар териб юрарди. Ўтсатдан улар ўзларини томон югуриб келаётган айиқни кўриб қолишди. Қурол йўқ. Шу пайт Абдурайим чапни олади-да, дарҳол уни оёқларига тақа бошлади.

— Фойдаси йўқ. Барибир айиқдан тез юрмайсан, — деди геолог шеригига.

— Айиқдан тез юришим шарт эмас. Сендан одинроқ юрсам бўлади, — жавоб қайтарди Абдурайим.

БУНИ ҲАЁТ
ДЕЙДИЛАР

Ўқитувчи деди: — Маъмур, доскага чи-

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сийёсий
Кенгашининг
ижтимоий-сийёсий
газетаси

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОНОВ

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
016 рақами билан
руйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент
шаҳри, Матбуотчи-
лар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона — 133-40-86

Факс — 136-53-14

Котибият — 133-41-89

Сийёosat ва партия ҳаёти бўлими — 136-55-96

Хатлар бўлими — 136-55-64

Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-55-64

Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39

Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир —
Б. Тошназаров
Навбатчи —
Н. Ҳайдаров
Мусахх —
Н. Мухоммова
Саҳифаловчи —
Л. Турсунов

• «Адолат»дан қўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Ғ — 100
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади 1551

Нашр индекси — 100
Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди

Латифа

қиб «қизча» ва «ўрмон» сўзлари иштирокида гап ёз.

Маъмур доскага «Қизча ўрмондан чиқди», деб ёзди.

— Баракалла Маъмур, ўтир. Алвар энди сен чиқиб, ушбу жумланинг тескарисини ёз.

Алвар жумланни «Ўрмондан қизча чиқмади», деб ўзгартириб ёзди.

— Алвар, бу нотўғри! Тўғрилади ё!

— Тўғрилади бўлмайди — буни ҳаёт дейдилар.

ЖОЙИНГДА ТУР
Ҳарбий қисм командир капитанини чақириб деди:

— Петровнинг отаси қазо қилди. Ўнча етти билан айтиш. Бирор қор-қол содир бўлмасин яна.

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник, — дебди капитан ва қазармага бориб, барча аскарларни саф қилиб, буйруқ берибди:

— Кимнинг отаси ҳаёт бўлса, бир қадам олдинга! Ҳой, Петров сен қаёққа кетаясан, жойингда тур!